*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 119 (9365). • 1988 йил 22 июнь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

*Демократия сабоғи*

## МОСКВАГА ТЕЛЕГРАММА

Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бир группа олимлари «бутун умид КПСС Марказий Комитетидан» деган қарорга келишди. Институтдаги вазиятдан ташвишга тушиб, маҳаллий органлардан ёрдам ололмаган кишилар мамлакат коммунистлари штабига телеграмма юборишга аҳд қилишди.

Биргалашиб текст ёзишди, муҳокама қилишди, сўнгра қўл қўйишганидан кейин ҳамкасабаларининг биридан телеграммани жўнатишни илтимос қилишди. Бу одам эҳтиётдан паспортини олиб, Тошкент почтамтига келди.

Тўлдирилган бланкни дарчадан узатаётганда, унга: «телеграммага қўл қўйган барча кишилар паспортларини олиб келишсин»,— деган жавоб бўлди.

Соддадил олим исботламоқчи бўлар, илтимос қилар, лекин почтамт ходимаси пинагини бузмасди, ниҳоят, олим ана шу ғалати талаб баён этилган қоидани кўрсатинг, деб туриб олди. «Ихтиёр сизда, жўнатмай қўяқолинг»,— дейишди унга.

Ҳамонки файласуфлар шундай телеграммани жўнатишмоқчи бўлган экан, улар анойи одамлар эмас. Қаҳрамонимиз ҳам: «Агар ўзим қўл қўйсам, оласизми? Ахир паспортим қўлингизда-ку, деди. Қабул қиламиз»,— деган овоз чиқди дарчадан.

Шундай қилиб, у телеграммани ўз номидан жўнатди. Архивда эса ҳамма имзо чеккан нусха қолди, албатта.

* * *

Бу воқеанинг тагига етмоқчи бўлдик. Изоҳ беришни илтимос қилиб, Ўзбекистон ССР алоқа министрининг биринчи ўринбосари Шавкат Шукурович Исломовга мурожаат қилдик. «Ғалати вазият бўлибди-ку,— деди у.— Бундай воқеалар кам учрайди. Ярим соатдан кейин жавобини оласиз».

Роса ярим соат ўтганидан кейин Тошкент почтамти бошлиғи вазифасини ижро этувчи Анастасия Айковна Балашова қўнғироқ қилди. Мамлакатимизда амал қилаётган «телеграф қоидалари»га кўра ҳукумат телеграммасини жўнатаётган одам паспортини кўрсатиши керак. Телеграммага имзо қўйган барча кишиларнинг эмас, балки бир кишининг паспорти бўлса кифоя. Шу одамларнинг ҳаммаси келишининг ҳам ҳожати йўқ.

— Марҳамат қилиб айтсангиз,— қизиқиб қолди Анастасия Айковна,— бу воқеа қайси алоқа бўлимида содир бўлибди?

Биз, бу ҳол сиз раҳбарлик қилаётган почтамтда бўлди, дедик.

— Чакки бўлибди,— таъкидлади раҳбар.— Телеграммани жўнатмоқчи бўлган кишилардан кечирим сўраймиз. Ходимларимиз хатога йўл қўйишгани шубҳасиз. Биз уларга танбеҳ бериб қўямиз. Бугуноқ зарур тадбирларни кўрамиз.

Бу демократиянинг кичикроқ сабоғи десак арзийди. Бу воқеанинг хавфли бир томони бор. Баъзи мижозлар республиканинг «катталари» шундай буйруқ беришгандир-да, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари пойтахтга танқидий мулоҳазаларни юборишга монелик қилмоқдалар, деган хулосага келиши мумкин.

Аслида эса бу кичик амалдорнинг ўзбошимчалигидир. Бу қайта қуриш карвони йўлидаги чақатошдек бир гап.

**Ю. КРУЖИЛИН,**
**(ЎзТАГ мухбири).**

*• РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН •*

## • ҚАЙТА ҚУРИШ: СЎЗДА ВА АМАЛДА •

### ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

БИЗНИНГ Ғазалкент шаҳридаги Мичурин кўчасида кўнгилочар чойхона бўлгучи эди. Бу ерда меҳнат, уруш ветеранлари, кекса пенсионерлар, қолаверса, ўтган-кетган ёш-яланглар бир пиёла чой устида суҳбат қуриб, дам олиб кетишар эди. Нима бўлди-ю, чойхона номаълум сабабга кўра «Дилбар» универмаги яқинидаги ошхонага қўшиб юборилди. Ҳозир чойхонамиз ўрнини «Кўксув» кафеси эгаллаб турипти. Хўш, бу билан нимага эришилди? Олдинлари чой билан чанқовни босиб, ҳордиқ чиқарган хўранда энди ошхона яқинига келиб тўхтаган машина ва тракторлар чангидан, навбатда турган ишчилар шовқинидан ҳориб-чарчаб чиқадиган бўлиб қолди.

Иккинчи бир муаммо, шуки, Жамбул кўчасида туппатузук халққа хизмат кўрсатиб турган ҳаммом 1988 йилга келиб номаълум сабаб билан маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг автомашиналарга сиртма тикадиган цехига айланиб қолди. Ҳаммом-ку, кўп йиллардан буён соғлиқнинг гарови сифатида шаҳар аҳолисининг деярли ярмисига хизмат кўрсатиб келаётган эди. Хўш, бу цехдан кўпчилик қандай манфаат кўряпти? Фойдаси фақат шу бўлди. Халқ саломатлиги учун биринчи галда зарур бўлган ҳаммом ўрнида бешолти кишининг машинаси ўриндиғи учун сиртма тикиб беріляпти, бозорча яқинидаги иккинчи ҳаммомда навбат кутганлар сафини ошириб, одамларнинг қимматли вақтларини беҳуда ўтказишга сабабкор бўлишди. Бу қош қўяман деб кўз чиқариш эмасми?

Халқ хоҳиши ва эҳтиёжи билан ҳисоблашмай, бундай ўринсиз мувофиқлаштиришларга қачон чек қўйилади?

**Ғазалкентлик бир группа уруш ва меҳнат ветеранлари номидан:**

**Ю. ХОЛМЕТОВ.**

### ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ

Қайта қуриш программасининг муваффақиятли амалга оширилиши ҳар бир совет кишисига боғлиқ. Биз оддий ишчи ёки корхона раҳбари бўлмайлик, ўз вазифамизни сидқидилдан бажарсак, янги-янги резервлар ва имкониятларнинг ишга солинишига ёрдам берсак, унумли ва сифатли ишласаккина бунга эришилади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев ўзининг республикамиз раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқида буни яна бир бор таъкидлади.

Шуниси қувончлики, бизнинг тикувчилик фабрикамизда ҳам фидокорона меҳнат қилаётган, зиммасидаги вазифани виждонан бажараётган чеварлар тобора кўпайиб бормоқда. Хўжалик юритишнинг янги усулларини қўллаш уларда коллектив меҳнати натижасидан манфаатдорликни кучайтиришга олиб келди. Шунинг учун ҳам чеварларимиз кўпроқ коллектив манфаатини ўйлайдиган, ўзиникини унга бўйсундирадиган бўлиб қолдилар.

Шундай меҳнатсеварлар ҳақида гап борганда 1-цехнинг тахловчи-оҳорловчиси О. Мавлонов, тикувчилар бригадири Р. Эмирзақова, тикувчи Р. Бегиева ва бошқа ўнлаб касбдошларимиз номини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар доим топшириқни 1,5 бараварга етказиб бажармоқдалар ва сифатли маҳсулот бермоқдалар. Бу билан коллективнинг буюртмачилар олдидаги бурчининг муваффақиятли бажарилишига кўмаклашмоқдалар.

**А. ТУРСУНОВА,**
**Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси мастери.**

*Бир мавзуда икки хат*

### ҲАММАСИ ЛОҚАЙДЛИГИМИЗДАН

ҲАР ЙИЛИ эрта кўклам кезлари янги микрорайонлардаги одамларнинг шанбалик ва якшанбалик ҳашарларига чиқишиб, гулзор ва хиёбонлар учун ажратилган ерларни юмшатиб, текислаб, тартибга келтириб, турфа гул, ҳар хил мевали дарахт кўчатларини ўтказаётганларини, кўм-кўк майсазорлар ҳосил қилиш мақсадида турли кўкатларнинг уруғини сепаётганларини кўриб қувонамиз, ўзимиз ҳам қараб туролмай, қўлимизга белкурак ёки кетмон олиб ҳашарга қўшиламиз. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, кўпчиликнинг кучи билан тартибга келтирилган бу майдонлар тепкиланиб, оёқости қилинади, одамлар майсазор ва гулзорлардан тўрт тарафга юришиб, из солишади, кимлардир гул ва дарахт кўчатларини эгиб, синдириб, ҳатто суғириб ташлайди.

Ёки янги қурилган массивлардаги кўп қаватли уйларга кириладиган йўлакларнинг аҳволига бир назар ташлайлик. Хонадонларнинг эгалари бу ерга дуч келган чиқинди, сипиринди ва бошқа ифлос нарсаларни сочиб ташлайверишдан ор қилмайдилар. Серқатнов кўчалар, гавжум транспорт бекатлари ва бошқа зарур жойларга ўрнатиладиган янги телефон будкачалари кейинги ҳафта юзини кўрмай, хароб бўлади. Шаҳар кўчалари, соя-салқин хиёбон ва боғларда танаси бутун дарахтни топиш қийин. Уларга оғизга олиб бўлмайдиган сўзларгача ўйиб ёзилган.

Бунинг учун, аввало, ўзимиз яъни шаҳарликлар айбдормиз. Хоҳ ёш, хоҳ катта бўлсин одобдан ташқари хатти-ҳаракат қилаётганларга кўзимиз тушса ҳам ўзимизни кўрмаганга олиб ўтиб кетаверамиз, гражданлик бурчимизни бажармаймиз, лоқайдлик қиламиз.

Дарвоқе, мен меҳнат отпускам пайтида Кисловодск шаҳрида 24 кун дам олиб, бирор кишининг маданиятсизлик қилганлигини, сигарет қолдиғи ёки қоғоз парчасини дуч келган ерга ташлаганини кўрмадим. Ҳолбуки, бу ердагиларнинг кўпчилиги мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан дам олгани келган кишилардир.

Демак, тозаликка риоя қилинса, тартиб сақланса бўлади. Такрор айтаманки, бу биринчи галда биз, шаҳарликларга боғлиқ.

**С. ЧИНАЕВ,**
**Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерловчиси.**

### МАДАНИЯТНИНГ ЭСКИ, ЯНГИСИ БЎЛМАЙДИ

ЯҚИНДА ўзим шоҳид бўлган бир воқеа баҳона баъзи фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман. Бекатда автобус кутиб турганимда 18—19 ёшлардаги икки қизнинг пала-партиш писта чақаётганини кўриб афсусланган эдим. Улар автобусга чиққанларидан сўнг ҳам писта чақишларини қўймай, ҳамма ёқни ифлос қилаётганликларини кўриб, чидаб туролмадим ва танбеҳ бермоқчи бўлдим:

— Қўйинглар, қизлар, автобусда писта чақиб маданиятсизлик қилиш сиз ёшларга ярашмайди...

— Биз билан нима ишингиз бор, бу ер сизнинг уйингиз эмас,— дея жириллаб кетди қизлар. Автобусдагиларнинг бирортаси мени қўллаб-қувватламади. Аксинча, олифтанамо кийинган бир йигит ўзимга дакки бера кетди:

— Сиз, катталар ёшларни сира ўз ҳолига қўймайсизлар, кун бермайсизлар, маданиятни рўкач қилиб турткилайверасизлар. Эскидан қолган маданиятингизни ўзингиз пишириб енг...

Мен Иттифоқимизнинг жуда кўп шаҳарларида бўлганман. Аммо ҳеч қаерда бизнинг Тошкент шаҳридагидек (айниқса Эскишаҳар атрофидагидек) тозаликка, маданиятга нисбатан бундай бефарқликни кўрмадим. Жамоат транспортлари салонида ҳам аҳвол шу. Оёқ ости ифлос, ўриндиқлар эски, йиртилган, атайлаб тилинган.

Айтаман десам гап кўп. Бироқ гапирган билан амалда ҳеч нарса қилинмаса нима фойда. Санитария маданиятисиз умуман маданиятнинг ўзи йўқ, деганларидек аввал озодалик, саранжом-саришталикка одатлансак, сўнгра ахлоқ-одоб, муомала маданияти, кишилар ўртасида меҳр-оқибат изга тушса ажаб эмас эди.

**Т. ҚУРБОНОВ,**
**врач, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси.**

### ЙИЛҚИЧИЛИК НЕГА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА?

КОЛХОЗ ва совхозлар ташкил этилганида асосан ер отлар ёрдамида ҳайдалар, уруғ сепилиб, ишлов берилarди. Улар араваларга қўшиб ҳосил ташиларди, биялардан олинган қимизни айтмайсизми? У қишлоқ аҳлига мадад берган, шу билан қорин тўйган.

Ёдимда, Бўстонлиқ районидаги Қўшқўрғон қишлоғида иккита хўжаликда ўша йиллари 900—1000 тадан зотли от боқиларди. Хўжаликлар пландан ортган маҳсулотни, жумладан, отларни ҳам колхозчиларга натура сифатида, арзон баҳода сотишарди.

Илғор чорвадорлардан баъзилари ўша йиллари йилқичиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган.

Улуғ Ватан уруши тугагач, қишлоқ хўжалиғи ёппасига механизациялаштирилди. Отлардан энди дастёрчилик ишларидагина фойдаланиладиган бўлди. Қишлоғимиздаги хўжаликлар бирлаштирилиб, «Ленинград» номини олди. Шу-шу отларга эътибор сусайгандан-сусайди, улар тобора камайиб борди.

Шу воқеаларни кўз олдимдан ўтказар эканман, наҳотки, йилқичилик барҳам топади, деб ўйлайман. Наҳотки, томчиси минг бир дардга даво қимиз билан шаҳарликлар у ёқда турсин, ўзимизни ҳам таъминлай олмаймиз, деган саволлар қийнайди.

Яхшики, кейинги йилларда областимиз хўжаликларида отларга эътибор бирмунча кучаймоқда. Майда-чуйда, айниқса, бригадалар ва бўлимлараро ишларда уларнинг хизмати катта бўляпти. Булар яхши, албатта. Лекин йилқичиликни жадалроқ ривожлантириш учун ишга янада жиддий киришиш керак. Шунингдек, отларга керакли бўлган баъзи буюм, ускуналарни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таклиф қиламан. Масалан, ҳозир отлар учун тақа, мих, эгар-жабдуқ, арава керак. Бундай нарсалар областимиз у ёқда турсин, республикамизда ҳам ишлаб чиқарилмас экан. Уларни қидириб, хўжаликларнинг мутахассислари узоқ шаҳарларга, жумладан, Қозоғистоннинг Чимкент областига бориб келишяпти.

Бу биринчи масала, иккинчиси, йилқичиликни ривожлантиришни, отлардан тўғри фойдаланишни мутасадди ташкилотлар назорат остига олса, яхши бўларди. Масалан, жойларда отлар учун асбоб-анжом тайёрлайдиган кооператив устахоналар ташкил қилиш мумкин-ку. Хуллас, бу масала билан жиддийроқ шуғулланадиган пайт келди, деб ўйлайман.

**С. ИРАҲМЕДОВ,**
**колхозчи-ветеран.**

*• ЗАМОНДОШИМИЗ •*



— МЕНИНГ уч яшар ўғлимни ангина қаттиқ безовта қиларди,— дейилган эди редакцияга келган миннатдорлик хатларидан бирида.— Виктор Борисович Бройде мени лол қолдирди: ўғлимни қўлимдан олиб, операция хонасига етаклаб олиб кириб, ҳам ангинасини, ҳам бурни ичидаги ўсимтани кесиб ташлаб, етаклаб олиб чиқишди ва икки соат палатада ётиб дам олгач, уйга олиб кетавердим. Касалхонада бор-йўғи 3 соат «ётдик»...

Область касалхонаси қулоқ, томоқ, бурун касалликлари бўлими ва бу бўлим мудири Виктор Борисович Бройденинг фаолияти билан танишиб, юқоридаги қалб сўзлари самимий ва ҳаққонийэканига ишонч ҳосил қилдик.

— Бизда ангина операциясининг мавсуми ҳам йўқ,— дейди Виктор Борисович,— ёзда ҳам даволайверамиз. Қайтага, иссиқ кунларда қон айланиши яхши бўлиши ҳисобига жароҳат ўрни тезроқ битади...

В. Б. Бройде область касалхонаси ташкил бўлган 1961 йилдан бери бу ерда ишлаяпти, 1973 йилда кандидатлик диссертациясини ёқлади, 1976 йилдан буён эса мазкур бўлимга раҳбарлик қилиб келмоқда. Бўлим шу соҳа бўйича Тошкент шаҳри ва областимиздаги мутахассисларнинг тажриба алмашув марказига айланганн ҳам бежиз эмас. Айни пайтда В. Бройде қулоқ, томоқ, бурун касалликлари бўйича областнинг бош мутахассиси ҳамдир.

Виктор Борисовичнинг оила аъзолари тиббиётга ўзини бағишлаган: турмуш ўртоғи Неля Ивановна Бройде узоқ йиллар ТашГРЭС медицина-санитария қисмида бош врач лавозимида ишлаб пенсияга чиқди, қизи Елена Викторовна Бондарь реаниматолог, куёви Марк Романович Бондарь эса қайнотасига ҳамкасб — қулоқ, томоқ, бурун касалликлари бўйича мутахассис.

Қўлингиз дард кўрмасин, шифокорлар!

**Суратда: В. Б. Бройде.**

**А. Зуфаров** фотоси.

## ТЎРТИНЧИ КУЛЬТИВАЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

ПИСКЕНТ районидаги «Гулистон» колхози механизаторлари ғўза қатор ораларига ишлов беришни кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Ҳозиргача хўжаликда тўрт марта культивация ўтказилди. Бошқа агротехника тадбирлари — ғўзани суғориш, озиқлантириш ҳам қизғин. Бу йил колхоз деҳқонлари 1265 гектар майдондаги пахтанинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 26 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилишди. Барча участка ва бригадаларда ана шу мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Бу борада колхознинг Маннон Мусаев, Муҳтарам Худойбердиева, Насриддин Мўминов сингари тажрибали пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари барчага ибрат бўлишяпти. Бу бригадаларда сувчиларнинг иши группа асосида ташкил этилмоқда. Хуллас, «гулистон»ликлар бу йил ҳам ўтган йилгидек давлатга фақат сифатли пахта етказиб беришга қатъий аҳд қилишган.

**У. МУҲАМЕДОВ.**

«ЗАНГОРИ ЭКРАНДА»

### ДЕЛЕГАТЛАР ФИКРИ

Эртага 23 июнь соат 20 дан 30 минут ўтганда республика телевидениесининг иккинчи программаси орқали «XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси олдидан. Сўз делегатларга» туркумидан кўрсатув намойиш қилинади. Уни Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун кўрсатувлар бош редакцияси тайёрлаган.

Кўрсатувда «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 7-цехи силлиқловчиси В. М. Харитонова, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сут соғувчиси В. Мусаева, Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Ф. Сефершаев, Тошкентдаги 22-болалар уйи директори А. П. Хлебушкина, Калинин районидаги 34-ўрта мактаб тарих ўқитувчиси Ж. Хўжаева, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Гришчук, Бекобод район марказий касалхонаси кардиология бўлими мудири А. Тоғаев ва бошқа ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари юзасидан ўз фикр — мулоҳазаларини баён этадилар.

### Резерв кадрлар ўқуви

Тошкент область партия комитетида енгил, мебель ва маҳаллий саноат тармоқлари раҳбарлик лавозимларига кадрлар резервининг навбатдаги ўқуви бўлди.

Бўлажак раҳбарлар ҳузурида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри И. А. Таймазов сўзга чиқди. У хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида республика енгил саноати корхоналарида тўпланаётган тажрибалар ҳамда тармоқни ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги ходимлари билан учрашув бўлди. Унда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни амал қилаётган ҳозирги шароитда савдо тармоқларига саноат маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш юзасидан корхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги ҳақида гап борди.

## ТОЖИКИСТОН ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, республика Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов ўртоқлардан иборат делегациянинг Тожикистонга қилган визити Ўзбекистон ССР билан Тожикистон ССР ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, ҳамкорликни кенгайтиришга, иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтиришга бағишланди.

18 июнь куни Душанбе аэропортида меҳмонларни Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. М. Маҳкамов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ғ. П. Паллаев, Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси И. Ҳ. Ҳаёев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари кутиб олдилар.

Ўзбекистон делегацияси икки кун мобайнида қардош республика ҳаёти билан танишди, делегация аъзолари саноат корхоналарида, қурилишларда, хўжаликларда бўлдилар, Тожикистон жамоатчилиги билан учрашдилар.

Дўстлик — баландпарвоз сўз эмас, балки амалий ишлар, астойдил манфаатдорлик, ўзаро ёрдамдир. Қардош республика меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувларда мана шу фикр изҳор этилди. Тожикистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбатда ҳам шу ҳақда гапирилди. Суҳбатда партия ва хўжалик ходимлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари иштирок этдилар. Ўзбек ва тожик халқлари бир дарахтнинг шохларидир. Улуғ шоирлар Навоий ва Жомий тараннум этган уларнинг кўп асрлик дўстлиги социализм йиллари мобайнида янги мазмун билан бойиб, теранлашди, мустаҳкамланди. Бу — ленинча миллий сиёсатни, партиянинг СССР халқлари қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини амалга ошириш натижаси.

Аммо, учрашувда қайд этиб ўтилганидек, бу ишда ўтмиш йилларнинг ўзбошимчалик билан қабул қилинган қарорлари ва турғунлик оқибатида эътиборсиз қолган жиҳатлар ҳам ўз таъсирини ўтказганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Масалан, тегишли дарсликлар, илмий, бадиий адабиёт етарлича нашр этилмаяпти. Тожикистон телевидениеси кўрсатувларини республикамиз шаҳарлари ва қишлоқларида қабул қилишда мушкулликлар бор. Ўзбекистон билан Тожикистон меҳнат коллективлари, олимлари, ижодкор зиёлилари ўртасидаги алоқалар суст.

Экологик, демографик муаммолар каби муштарак, регионал муаммоларни ҳал этиш учун республикаларнинг кучларини фаол бирлаштириш керак. Тожикистон аҳолиси Ўзбекистонда сув тақчиллиги кучайиб бораётганлигини ташвиш билан кўриб турибди. Аммо бу нарса кўп жиҳатдан Помир музликларининг аҳволига боғлиқ. Худди мана шу соҳада биргаликда куч-ғайрат сарфлаш, ечимларни ишлаб чиқиш лозим. Яқинда республикаларимизнинг академиялари ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолашди. Учрашув қатнашчилари бошқа идоралар ҳам бу яхши ишдан ибрат оладилар, деб умид билдирдилар.

Ғовларни бартараф этиш, республикаларимиз ўртасидаги муносабатларни ёт, салбий, расмий-бюрократик иллатлардан холи қилиш энг муҳим вазифадир, дейишди 18 июнь куни Душанбе Сиёсий маориф уйида бўлиб ўтган дўстлик кечасининг қатнашчилари. Кеча охирида икки республика санъат усталарининг концерти бўлди.

Эртаси куни Ўзбекистон делегацияси Тожикистон ҳаёти билан танишишни давом эттирди. Меҳмонлар Душанбедаги усти ёпиқ бозорда бўлган вақтларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини ташкил этиш борасидаги фойдали тажрибани билиб олдилар. Оилавий пудрат кенг қўлланилиши, хўжаликларнинг савдо ташкилотлари билан бевосита алоқалари ва фирма магазинлари тармоғи кенгайтирилиши туфайли жамоат сектори якка тартибдаги сектор билан анча муваффақиятли рақобат қиладиган бўлиб қолди.

Сўнгра делегация Халқлар дўстлиги боғида бўлди. Ўзбекистонлик меҳмонлар боғда ўтқазган кедр дарахти республикаларимиз ўртасидаги қардошларча муносабатларнинг янги бир тимсоли бўлиб қолади.

Ленинобод область Пролетар районидаги Ленин номли колхоз кўп минг кишилик аҳолисининг ҳаммаси қардош республика делегациясини кутиб олишга чиққандек эди. Колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Саматов бу ерда яшаётган ўзбеклар, тожиклар, қирғизларнинг, бошқа кўпгина миллатларга мансуб кишиларнинг аҳиллик билан сарфлаётган куч-ғайратлари, илҳомбахш меҳнатлари туфайли ишлаб чиқаришда ҳам, социал соҳада ҳам жуда катта муваффақиятларга эришилганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Бу ерда пахтадан рекорд ҳосил олинади — колхоз ҳар йили 25 минг тоннадан кўпроқ хом ашё сотади. Олинаётган миллион-миллион сўм фойда одамларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилашга сарфланмоқда.

Р. Н. Нишонов колхоз коллективини Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан улкан муваффақиятлари билан қутлаб, унга тобора равнақ тилади. Делегация аъзолари сафарда уларга ҳамроҳлик қилган Тожикистон раҳбарлари билан бирга В. И. Ленин номли колхозда Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Шу куни Ўзбекистон делегацияси Ленинободдан Тошкентга қайтиб келди. Тожиклар диёридаги учрашувлар биргаликдаги эзгу ишларда давом эттирилади.

**И. ҲИСОМОР,**
**ЎзТАГ махсус мухбири.**

